

# Термиз туманида давлат хизматчилари тиббий кўриқдан ўтказилмоқда



Бугун Термиз тумани ҳокимлиги ходимлари туман тиббиёт бирлашмасининг малакали мутахассислари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунда давлат фуқаролик хизматчисига тиббий хизмат кўрсатиш ижтимоий ҳимоя чораси сифатида кафолатланган.

Тиббий кўриқ жараёнида шифокорлар томонидан ходимлар соғлигининг барқарорлиги кўздан кечирилиб, тиббий таҳлиллар ва юзма-юз мулоқотлар асосида уларга зарур тиббий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Мазкур тиббий кўриқ давлат хизматида ишлаётган, ўз вақтида соғлигини текширишга вақт топа олмаётган ходимлари учун айтилган муддо бўлди. Шу билан бирга улардаги баъзи касалликларнинг барвақт аниқланиб, ўз вақтида олди олинишига ҳам эришилади.